

РАМЗ ГЕНЕЗИСИ ВА УНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

Моҳира АБДУРАХМОНОВА

таянч докторант

Ўзбекистон фанлар академияси ўзбек тили

адабиёти ва фолклори институти

Ташкент, Ўзбекистон

mohiraabdurahmonova031494@gmail.com

Аннотация

Мазкур мақолада рамз генезиси ва тараққиёти ўрганилган, рамзнинг бадииятдаги ўрни ҳақида фикр-мулоҳазалар баён этилган. Ушбу бадиий воситанинг истилоҳий маъноси ва туб илдизи ҳақида маълумот берувчи манбаларни ўрганиш жараёнидаги хулосалар чиқарилган. Шунингдек, замонавий ўзбек адабиётидаги рамзий асарларнинг яратилиш эҳтиёжи ҳақида ҳам сўз юритилган.

Таянч сўзлар: рамз, рамз генезиси, шакл, поэтик мушоҳада, китобхон.

ГЕНЕЗИС СИМВОЛА И ЕГО РАЗВИТИЕ

Моҳира АБДУРАХМОНОВА

базовый докторант

Академия наук Республики Узбекистан

Институт узбекского языка, литературы и фольклора

Ташкент, Узбекистан

mohiraabdurahmonova031494@gmail.com

Аннотация

В настоящей статье рассматривается генезис символа и его развитие, излагаются мнения и суждения о роли символа в художественном творчестве. Сделаны выводы в процессе изучения источников, дающих сведения об этом художественном приеме и его корнях. Вместе с тем, отмечается потребность в создании символических произведений в современной узбекской литературе.

Ключевые слова: символ, генезис символа, форма, поэтическое суждение, читатель.

Адабиётнинг энг муҳим вазифаларидан бири – инсон қалбида эзгу фазилатларни ривож топтириш. Бу вазифани имкон қадар бажариб келаётган бадиий адабиёт давр талабларига ҳам маълум даражада бўйсунди. Зеро, ҳар бир даврнинг ўз китобхонлари мавжуд ва бу китобхонларнинг дунёқараши, эстетик идеаллари бир-бирига мос келавермайди. Бадииятнинг шаклий ўзгариш сабабларидан бири шу

илдизга бориб тақалса, ажабмас. Бу шаклларга маъно жойлаб, уни юзага чиқаришда бадий воситаларнинг ўрни бекиёс. Бугунги кунда ижодкорлар орасида ҳам, зукко китобхонларнинг танловида ҳам алоҳида эътиборга эга бўлиб келаётган бадий воситалардан бири рамздир.

Бир-биридан узоқ бўлган предметлар ўртасидаги “мувофиқлик” тамойили (масалан, маънавий ва моддий дунё ўртасидаги) ўрта асрлар фалсафаси ва адабиётида анча жиддий тадқиқ этилган. Шундан келиб чиқиб, рамз ва унга яқин бўлган мажоз тушунчаси, улар ўртасидаги умумий ва фарқли жиҳатларга алоҳида тўхталиш лозим, деб ҳисобладик.

Рамз ўтган асрнинг саксонинчи йилларидан кейин хитой адабиётшунослигида теран тадқиқ қилина бошлангандан сўнг, олимлар томонидан бу атамага нисбатан турли фарқ қилувчи қарашлар илгари сурила бошлади. Бунинг натижаси ўлароқ, рамз ҳақида чуқур илмий асосланган назарий қарашлар пайдо бўлди. Рамз кўпчилик учун таниш терминга айланиб улгурган бўлса ҳам, унинг ўзи нима, қандай хусусиятларга эга, деган саволларга жавоб излаш натижасида манбалар ўрганилганда рамз масаласи ҳақида ҳануз яхлит бир илмий тўхтамга келинмаганлигини кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам рамзларнинг келиб чиқиш тарихи, ривожланиши ҳамда адабий жараёнга таъсири нечоғлик эканлигини ўрганиш ва қайд этилган манбаларга назар ташлаш зарурияти туғилади. Рамзнинг моҳияти ҳақидаги саволлар Аристотел замонидаёқ илм аҳли олдида қўйилган ва ана шу даврдан то ҳозиргача ҳар бир замон олимлари жавоб бериб келади.

Рамз тушунчасининг бадий адабиётда англаниш доираси жуда кенг. Маълумки, бирон бир ҳодиса моҳиятини шартли равишда ифодаловчи сўз символ ёки рамз деб аталади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да рамзга “бирор ғоя, тушунча, ҳодиса кабиларни ифодаловчи, эслатувчи шартли белги, ишора” [4;346] деб таъриф берилса, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да рамз – воқеликни бадий акс эттиришнинг шартли

усули ва бадий шартлилик шаклларида эканлиги, у мажоздан фарқ қилиб, мазмуни образли қурилиш билан боғлиқ бўлиши ҳамда кўпмаънолилиги билан ажралиб туриши изоҳланади [5;247]. Рамз атамасига адабиётшунослик терминлари луғатида қуйидагича таъриф берилган: “Рамз – (арабча сўз бўлиб – имо, ишора, имлаш) символ, кўчим турларидан бири, фақат шартли равишда ва шу матн доирасида кўчма маъно касб этувчи сўз ёки сўз бирикмаси; образлилик тури. Рамз моҳиятан аллегорияга яқин, ундан фарқи шуки, рамз контекст доирасида ҳам ўз маъносида, ҳам кўчма маънода қўлланади. Рамзнинг маъноси контекст доирасида ва шартдан хабардорлик бўлганда реаллашади” [7;125]. Дарҳақиқат, рамз мажоз (аллегория)га яқин бўлиб, баъзан уларни бир хил ҳодиса деб қараш ҳам мавжуд. Лекин уларнинг бир-биридан фарқи шуки, рамз контекст доирасида ҳам ўз маъносида, ҳам кўчма маънода қўлланиши мумкин. Рамзнинг инглиз тилидаги муқобили ҳисобланган “символ” мантиқ, тилшунослик, психология доирасида одатда, “белги” тарзида изоҳланади; бадий санъат, диншунослик каби доираларда эса у “рамз” сифатида англашилади. “Webster’s Dictionary of the English”да рамз атамасига шундай таъриф берилади: “Бирор нарса – буюм, воқеа-ҳодисанинг ўрнида ёки ишора сифатида фойдаланиш бўлиб, идрок этиш ва муносабат, ассоциациялашув, олдиндан белгиланган ёки белгиланмаган ўхшашлик. Асосан, кўз билан кўриш мумкин бўлган нарса – буюм орқали қандайдир ирода, сифат ёки маълум давлат, диний жамиятнинг умумлашма ифодаси. Масалан, “шер” – жасурлик рамзи, “хоч” – христиан динининг рамзи” [8]. Келтирилаётган таърифлар, албатта, рамзнинг луғавий маъносига дахлдор бўлиб, мазкур атаманинг кенг тушунча эканлигини, қўлланилганда турли маъно турланишларига эга бўлишини ҳам эътиборга олиш зарур. Рамз кенг маънода воқеликни жонли мушоҳада қилиш орқали юзага келган тасаввурдан иборат. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, рамз воқеликнинг инъикосидир.

Рамз бадий асарда ўз ўрнини топгунга қадар, яъни бадий тасвир воситаси бўлгунча бир неча босқичдан ўтди. Рамз генезисига назар ташласак, бунинг яққол гувоҳи бўламиз. Рамзларнинг пайдо бўлиши рухий-психологик асосга эга. Ибтидоий инсоннинг фикрлаши инстинкт хусусиятига эга бўлиб, у атрофини ўраб турган ҳайвонот ва наботот оламига нисбатан бўлган қарашлари натижаси ўлароқ кўплаб табиат кучлари асосида рамзий образлар яратди. Атроф ва табиатда кўп нарсалар ҳали исмсиз эди, аجدодларимиз уларнинг ҳар бирига исм берар экан, бу исм ўз тушунча ва тасаввурларининг рамзи эди. Табиат ҳодисаларининг сабабини англай олмаганлиги унга нисбатан муносабатидида мистик қарашлар пайдо бўлишига ва бу тушунча рамзга айланишига замин ҳозирлади. Жумладан, дастлабки инсоннинг юмушларига (ов, зироатчилик каби) қоронғилик халал бергани, тунда ўз ўлжасидан айрилгани, умуман олганда, тун унинг яшаш тарзига салбий таъсир кўрсатганлиги учун қоронғиликка нисбатан салбий муносабат уйғонган. Кейинчалик қоронғилик билан боғлиқ тушунчалар: тун, қоронғи, қора ранг кабилар кўрқинч, ёвузлик, дахшат, куч-қудрат сингари рамзий маъноларга эга бўла бошлаган. Худди шу маъно-мазмун кишилар турмуш тарзидан бадииятга кириб келди ва ҳозиргача яшамокда. Албатта, булар тушунчанинг илк рамзий маънолари бўлиб, бадииятда бу маъно янада кенгайди. Хусусан, “қора” мотам рамзига айланди, “тун”га нисбатан айрилиқ, ҳижроний кайфият, ёлғизлик каби семалар қўшилди ва ҳоказо. Ёки бугунги кунда гўзаллик рамзи деб қараладиган “гул” тушунчаси ҳам ибтидоий инсонларнинг унга нисбатан ҳиссий муносабатига бориб тақалади. Гулнинг инсонда илиқ кайфият уйғотиши гўзалликнинг ҳузур бахш этиши билан боғланади ҳамда у билан боғлиқ тушунчанинг кишилар онгида гўзаллик рамзи сифатида кодланишига асос бўлган. Юқорида айтганимиздек, ушбу рамз ҳам бадий асарларда бошқа-бошқа маънолар билан бойиб борди. Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, рамзларнинг пайдо бўлиши

тушунчага нисбатан нафақат ибтидоий инсоннинг ҳиссий-ассоциатив муносабати билан, балки предметнинг шакли, ҳажми, инсон ҳаётида тутган ўрни билан ҳам боғлиқ. Масалан, “тоғ” ҳажман улкан, унга чиқиш машаққатли бўлганлиги сабабли юксаклик, ғурур, бардош, суянч сингари рамзий белгиларни ўзида мужассамлаштирган. Демак, О.Очиловнинг фикрича, ибтидоий одамнинг ифода қила олиш қобилиятининг заифлиги, мужмаллик, ноаниқлик каби хусусиятга эга эканлиги натижасида шаклий образларга мистика сингдирилди ва ғайриоддий ассоциатив қараш юзага келди. Бизнингча, мифлардаги рамзларнинг илдизи шу ерда [2]. Мисол тариқасида, “аждарҳо” тушунчасини олишимиз мумкин. Бу сўз аجدодларимизнинг наздида олов пурковчи, учиб юрувчи улкан илонга ўхшаш махлуқни ёвузлик, катта куч рамзи остида бирлаштирган. Демак, мифлардаги ҳар қандай рамз ушбу рамзни яратган аجدодларимизнинг маълум бир кайфиятини, ички дунёсини акс эттиради ва бу рамзларни шарҳлаш уларнинг тафаккур босқичлари, онг жараёнлари, интилиш ва кечинмалари билан танишишимизга имкон беради. Тан олиш керакки, бугун ибтидоий давр деб баҳо бериладиган пайтларда инсон бизга қараганда юз карра шоирроқ эди. Улар, албатта, поэзияни тушунмасди, аммо, бугунги тил билан айтганда, уларнинг тафаккур тарзи “поэтик мушоҳада” тарзида эди: улар атроф-оламдаги ҳар бир нарсани тасаввур қилган тушунчаларнинг рамзи тарзида қабул қиларди. Одам табиат олдида ожиз эди, лекин борлиқ, жисмлар, коинот, наботот ҳақида шундай тасаввурлар ҳосил қилардики, бу тасаввурлар тўлиқ рамзлар тили билан баён этиларди.

Мифлардаги рамзларга мурожаат қилиш бизга ғоят кенг бадиий олам эшигини очади. Қадимги мифларда учрайдиган рамзлар фикримиз исботидир. Кейинчалик мифлардаги рамзлар халқ оғзаки ижоди намуналари ва ёзма адабиётга кўчиб ўтди. Бу жараёни рамзларнинг бадииятга кириб келиш босқичи сифатида баҳолашимиз мумкин. Миф ва

халқ оғзаки ижоди жанрларидаги рамзларни шарҳлаш ва инсон психологиясини тадқиқ қилиш билан уйғунлаштиришда психоаналитика мактаби вакиллариининг хизмати катта. Гарчанд метод ягона бўлса ҳам, рамзларни шарҳлашда ҳар хил қарашлар юзага келди. Ана шу қарашлар ҳар хиллигидан З.Фрейд ва К.Юнг бир мактаб вакили бўла туриб, К.Юнг “мифлар асосида оммавий онгсизлик рамzlари ётади”, деган қарашни ўртага ташлагач, рақобатчи файласуфларга айландилар [3;8]. Бадий асардаги рамзларни таҳлил қилишда ҳам қадимги мифлардаги, халқ оғзаки ижоди намуналаридаги рамзларга мурожаат қилиш яхши самара беради. Чунки адабиётдаги синтезлашув жараёни ҳеч вақт тўхтаган эмас, балки у бир даврда чуқур ё юзаки, паст ёки баланд бўлиши мумкин. Бирор тушунчанинг мазмун-моҳияти рамзга айланиши учун у ўзига хос равишда қайта идрок этилиши, маълум даражадаги шартлилик асосида кўпчилик томонидан бир хилда қабул қилинадиган даражага етиши керак бўлади. Аниқлилик воситасида мавҳумликни акс эттириш мажозийликнинг табиатини белгилаб беради.

Рамз, айтиш мумкинки, бадий ижодда услуб имкониятларини кенгайтирди, поэтик мушоҳадага эркинлик берди, уни фалсафий кўлам билан бойитди. Ибтидоий инсоннинг ибтидоий тасаввури маҳсули сифатида юзага келган рамз бугунги кун адабиётида ривож топган тарзда қўлланиши давр ва китобхон эҳтиёжи билан, ижодкорнинг поэтик маҳорати билан боғлиқ. Рамзнинг маълумотларни ихчам шаклда мужассамлаштириш хусусиятига эга эканлиги бадий адабиётнинг шартларидан бири ҳисобланган шаклан ихчамликни таъминлаш талабига мувофиқ келади. Рамз ўзбек адабиётининг насрида ҳам, назмида ҳам кенг қўлланмоқда. Бахтин таъкидлаганидек, мудом шаклланаётган, мунтазам янгиланиб турувчи [1;95] роман жанри мисолида кузатадиган бўлсак, бугунги кунда рамзий образ орқали фикрни етказиш ижодкор учун ҳам маълум бир тайёргарликни талаб қилгани ҳолда, бундай асар ўқувчидан ҳам алоҳида

диққат-эътибор, кенг дунёқараш ва бой тафаккурни талаб қилади. Бадий тасвирнинг янада чуқурлашгани, инсон руҳияти қатламларини нозикрок идрок этишни юзага келтирганлиги адабиётнинг оммавийликка эмас, юксак дидли китобхонларга ҳам хизмат қилишига олиб келди. Рамзга йўғрилган асарлар китобхонга осонликча ўз сирини ошкор қилмайди. “Сир”ни очиш, “коса тагидаги нимкоса”ни топиш учун китобхон анча-мунча тер тўкишига тўғри келади. Чунки рамз орқали асосий ғояни етказаётган муаллиф воқеалар силсиласига рамзни шундай жойлайдики, буни англамаган ўқувчи асарни маълум воқеалар кадридан иборат қизиқарли сюжетлар кетма-кетлиги тарзида тушунади, холос. Замонавий ўзбек романчилигида яратилган Аҳмад Аъзамнинг “Рўё ёхуд Ғулистонга сафар”, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф”, “Бозор”, Назар Эшонқулнинг “Гўрўғли”, Т.Рустамовнинг “Капалаклар ўйини”, Исажон Султоннинг “Озод”, “Генетик”, Улуғбек Ҳамдамнинг “Йўл” каби асарлари рамзийлик касб этади. Рамзларга мурожаат қилиш, улардан ўринли ҳамда моҳирона фойдаланиш ҳар бир ижодкорга ўз фикрини таъсирчан шаклда ифодалай олиш имконини беради. Зеро, Абдулла Қодирий эътироф этганидек, ёзувчиликда бир қонун бор: ҳаммадан илгари маъно, ундан сўнг шу маънони – фикрни ифода қилиш учун сўз қуриш, сўз эмас, санъаткорона, яъни шундоғ сўзки, айтмоқчи бўлган фикрингизнинг ифодаси учунгина махсус яратилган бўлиб, ясама бўлмасин! [6;173]. Дарҳақиқат, бадий ижодда мувофиқлик, мутаносиблик зарурийлик касб этар экан, бадий асарда рамзлардан фойдаланишда ҳам сунъийлик, номувофиқликдан йироқ бўлган ҳолда, топиб сўзлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, рамз бадий асар жозибадорлиги, ихчамлигини таъминловчи воситалардан биридир. Яратилаётган рамзий асарлар бугунги ўзбек адабиётининг янада турфа кўринишда бўй кўрсатишига, асарни танлаб ўқийдиган юксак дидли

китобхонлар эҳтиёжининг қондирилишига ва бундай ўқувчиларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бахтин М. Эпос и роман // Вопросы литературы, 1970. – №1. – С. 95-122.
2. Очилов О. VII-X асрлар танг даври шеърлятида рамзлар семантикаси: Фил.ф.бўйича (PhD) фал.докт. дисс. – Тошкент: Тошкент Давлат Шарқшунослик институти, 2018. – 148 б.
3. Эшонкул, Жаббор. Ўзбек фолклорида туш ва унинг бадий талқини. – Тошкент: Фан, 2011. – 241 б.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 507 б.
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 14 жилдлик. 7-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – 607 б.
6. Қодирий, Абдулла. Кичик асарлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1969. – 236 б.
7. Қуронов Д. ва б. Адабиётшунослик терминлари изоҳли луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – 332 б.
8. <https://www.merriam-webster.com/dictionary/symbol>.